

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

“Chilonzor buyum savdo kompleksi”
акциядорлик жамияти

(эмитентнинг номи)

Кузатув кенгаши аъзоси

 Т.К.Камолов

Акциядорларнинг навбатдаги умумий
йиғилишининг 2025 йил 8 апрелдаги
сонли баённомаси



Ўзбекистон Республикаси Истиқболли
лойиҳалар миллий агентлиги
(рўйхатдан ўтказувчи органининг номи)
Директорнинг биринчи ўринбосари

 В.Пак

19.05.2025 й. 9037-13 - сон
(сана)

М.Ў.



“CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEKSI” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	1	3	Q	0	1	1	7	T	8
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган 43 939 583 595 (қирқ уч миллиард тўққиз юз ўттиз тўққиз миллион беш юз саксон уч минг беш юз тўқсон беш) дона номинал қиймати 1,00 (бир) сўмлик ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна усули билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн учинчи чиқарилишдир.


Жамият акциядорларининг 2025 йил 8 апрелдаги навбатдаги умумий йиғилиши баённомаси билан кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган орган)

Жамият акциядорларининг 2025 йил 8 апрелдаги навбатдаги умумий йиғилиши баённомаси билан кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган.
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100161, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 156 “А” уй.

Тел: + 71 287-91-01. email: chilonzorbuyum@mail.ru

Эмитентнинг раҳбари:

 Закиров Зафар Махмудович



Бош бухгалтер:

 Абдурахилов Тохир Валиевич

Мухр

“ _____ ” апрел 2025 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий акциялар.**
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз.**
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 (бир) сўм**
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **43 939 583 595 (қирқ уч миллиард тўққиз юз ўттиз тўққиз миллион беш юз саксон уч минг беш юз тўқсон беш) дона**
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **43 939 583 595 (қирқ уч миллиард тўққиз юз ўттиз тўққиз миллион беш юз саксон уч минг беш юз тўқсон беш) сўм**
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: **ушбу чиқарилишдаги ҳар бир оддий акция эгаларига қуйидаги ҳуқуқларни беради:**
 - Эмитентнинг акциядорлари реестрига киритилиши;
 - депо ҳисоб-варағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - Эмитент фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - Эмитент тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Эмитентни бошқаришда иштирок этиш;
 - Эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - олган дивидендларни эркин тасарруф этиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ;
 - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - Ўз манфаатларини ифодлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ношароат ташкилотларини бирлашиш;
 - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.
- Эмитент акциядорлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Эмитент устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Эмитент Уставида ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига доир чеклов мавжуд эмас. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият акциядорларининг 2025 йил 8 апрелдаги умумий йиғилиши баёнига асосан жамият акциядорлари ўртасида ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.**
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **43 939 583 595 (қирқ уч миллиард тўққиз юз ўттиз тўққиз миллион беш юз саксон уч минг беш юз тўқсон беш) сўм.**
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **43 939 583 595 (қирқ уч миллиард тўққиз юз ўттиз тўққиз миллион беш юз саксон уч минг беш юз тўқсон беш) дона оддий акциялар.**
10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Эмитент томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.**
11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпик обуна): Ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 5-кун (бешинчи кун) ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида кўрсатилган жамият акциядорлар ўртасида улар эгаллик қилган акциялар сонига ва турига мутаносиб равишда, 1:1 коэффициентда яъни 1 (бир) донга акцияга қўшимча равишда 1 (бир) донга шу турдаги акцияни қўшиб бериш йўли билан ёпик обуна усулида жойлаштирилади.

(Ёпик обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш, акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) календар кун ичида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – ушбу акциялар чиқарилиши уларнинг чиқарилиши ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 6-кун (олтинчи кун) ҳисобланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунига бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган сана, бироқ ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 90 (тўқсон) календар кундан ошмаслиги лозим.

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади).

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида акцияларни олди-сотди битимлари тузилмасдан амалга оширилади.

Акциялар ёпик обуна усулида жойлаштирилади ва акцияларни жойлаштиришда андеррайтерлар иштирок этмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси акциядорлик жамияти;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй;

Телефон: (71) 267-37-42, факс: (71) 267-36-87. e-mail:

Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси ўз фаолиятини “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.1999 йилдаги 263-сонли “Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги Қарори асосида юритади.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

Тўлик номи: “Toshkent Investitsiya Majmui” масъулияти чекланган жамияти;
Қисқартирилган номи: “Toshkent Investitsiya Majmui” МЧЖ;
Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй, 3-қават, 329-хона;

Телефон – +998 71 268 44 22, +998 90 009 58 66;
веб-сайт: tashinvestkom.uz;

Почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қиймати бўйича 1 (бир) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Ушбу 43 939 583 595 сўмлик чиқарилишдаги акцияларга тўлик ҳажмдаги тўлов жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан яъни жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олган соф фойдасининг ва ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми ҳисобидан қопланади (бугунги кунда ушбу сумма жамият бухгалтерия ҳисоботининг “тақсимланмаган фойда” ҳисобида мавжуд);

Акцияларга тўловлар қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобларида тегишли ўтказмаларни, яъни “тақсимланмаган фойда” ҳисобидан “устав капитали” ҳисобига ўтказма ўтказиш орқали устав капиталини оширишга йўналтириш асосида амалга оширилади ва акциялар жойлаштирилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда бу ҳақдаги тегишли маълумот қонунчиликда белгиланган тартибда эълон қилинади;

мазкур чиқарилиш амалга ошмаган ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда акциялар тўлови сифатида олинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда 10 (ўн) кун ичида қайтарилади

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (25-сонли муҳим факт) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг, қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Жамият фаолиятида муҳим фактлар вужудга келганлиги тўғрисидаги маълумотлар икки иш куни ичида Жамиятнинг расмий веб-сайтида, «Тошкент» Республика фонд биржасининг веб-сайтига (www.uzse.uz), жамиятнинг расмий веб сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ошқора этилади.

Манфаатдор шахслар қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг нухасини Жамият номига ёзма сўровнома юбориш орқали олишлари мумкин.

Эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли ва нусхаси билан Ўзбекистон Республикаси, 100161, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 156 "А" уй, Жамиятнинг маъмурий биносида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.